Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 17 сентябрь, сешанба, №104 (3450).

6 октябрь
ҲАР БИРИНГИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ МУҲИМ!
РЕФЕРЕНДУМ
www.election.gov.kz

Президент



## ПРЕЗИДЕНТ СИНГАПУРЛИК САРМОЯДОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

### УЧРАШУВДА ALATAU CITY ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Хусусан, Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Asia Infrastructure Solutions Singapore компанияси раҳбари Вонг Хэн Файн Алатау шаҳрини самарали ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш, технология ва таълим салоҳияти юзасидан атрофлича фикр алмашди.**

Президент Сингапурнинг Surbana Jurong компанияси билан ҳамкорликда тайёрланган Алатау шаҳрининг Бош режаси жорий йилнинг май ойида қабул қилинганини таъкидлади.

Давлат раҳбари Вонг Хэн Файн шаҳарсозлик лойиҳаларини амалга оширишда катта тажрибага эга эканини таъкидлади. Шу боис, унинг бош маслаҳатчи сифатидаги тавсиялари халқаро бизнес марказига айланишни мақсад қилган янги шаҳарни лойиҳалаш ва қуришда аниқ натижаларга олиб келишига ишонч билдирди.

**Akorda.kz.**

## ПРЕЗИДЕНТ ПАРАЛИМПИЯ ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАҚДИРЛАДИ

**Президент Паралимпия ўйинлари совриндорлари ва мураббийларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонни имзолади.**



Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони билан Париж шаҳрида ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида эришган ютуқлари учун бир гуруҳ спортчилар ва уларнинг мураббийлари давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Олтин медаль соҳиби Давид Дегтярев I даражали «Барыс» ордени билан тақдирланди.

Шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган Ақмарал Науатбек III даражали "Барыс" ордени билан тақдирланди.

Кумуш медалларни қўлга киритган Еркин Ғаббасов, Жумағали Нурдаулет ва Ерғали Шамей "Парасат" ордени соҳиби бўлишди.

"Құрмет" ордени билан Паралимпия ўйинларининг бронза медали совриндорлари Дастан Муқашбеков, Зарина Раифова, Даяна Федосова ва Журкамирза Шукурбеков тақдирланди.

Спортчиларнинг мураббийлари ҳам юксак мукофотлар билан тақдирланди.

**Akorda.kz.**

Кун тарихи



**Дунёдаги ҳар бир инсон ҳаётининг маълум бир даврида касалликнинг олдини олиш ёки даволаш учун дори-дармон қабул қилади. Дори воситалари истеъмол қилишдаги хатолар бутун дунёдаги соғликни сақлаш муассасаларида олдини олиш мумкин бўлган зарарнинг асосий сабабларидан биридир.**

## 17 СЕНТЯБРЬ – БУТУНЖАҲОН БЕМОРЛАР ХАВФСИЗЛИГИ КУНИ

Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти ассамблеясининг 72-сессиясида қабул қилинган резолюцияга мувофиқ, 17 сентябрь – Бутунжаҳон беморлар хавфсизлиги куни этиб белгиланган.

Ушбу кун бутун дунё эътиборини беморлар хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга, тиббий ёрдам хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва улар учун хавф-хатар даражасини имкон қадар камайтиришга қаратади.

**24.kz.**

Ғалаба муборак!

## КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИ: ҚОЗОҒИСТОН УМУМЖАМОА ҲИСОБИДА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ



**Қозоғистон пойтахтида беш кун давом этган V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари якунига етди. 21 спорт тури бўйича 89 давлатдан 2430 нафарга яқин спортчи ўзаро куч синашди ва тарихнинг янги саҳифаси битилди.**

Узоқ-яқиндан келган мухлислар мусобақанинг юқори савияда ташкил этилганини, маънавий қувват олганини таъкидлашди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида сўз олган Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси президенти Билол Эрдўғон мусобақани юксак савияда ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевга миннатдорчилик билдирди.

– Қозоғистон нафақат туркий халқларга, балки бутун дунёга қардошлик ва ҳамкорликни кўрсата олди. Спорт тадбири орқали туркий тилли давлатларнинг бой маданияти ва анъаналари тараннум этилди, – деди у.

Мусобақа якунларига кўра, Қозоғистон терма жамоаси 44та олтин, 33та кумуш ва 37та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларида медалларни қўлга киритган давлатлар рўйхати:**

| | Мамлакатлар | Олтин | Кумуш | Кумуш | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қозоғистон | 43 | 32 | 37 | 112 |
| 2 | Қирғизистон | 19 | 21 | 25 | 65 |
| 3 | Россия | 12 | 12 | 25 | 49 |
| 4 | Ўзбекистон | 11 | 12 | 11 | 34 |
| 5 | Туркия | 2 | 2 | 2 | 6 |
| 6 | Эрон | 1 | 3 | 9 | 13 |
| 7 | Можористон | 1 | 2 | 5 | 8 |
| 8 | Туркманистон | 1 | 1 | 2 | 4 |
| 9 | Руминия | 1 | 1 | 1 | 3 |
| 10 | Польша | 1 | 1 | 0 | 2 |
| 11 | Ҳиндистон | 1 | 0 | 5 | 6 |
| 12 | Хитой | 1 | 0 | 5 | 6 |
| 13 | Молдова | 1 | 0 | 5 | 6 |
| 14 | Индонезия | 1 | 0 | 1 | 2 |
| 15 | Франция | 1 | 0 | 1 | 2 |

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

**Вилоятга хизмат сафари доирасида ҚР Бош вазири ўринбосари Тамара Дуйсенова қатор ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда Давлат раҳбари ташаббусларининг ижроси ва уларнинг Туркистон вилояти иқтисодиётига таъсири муҳоккама қилинди.**



– Давлатимиз раҳбари Қозоғистон халқига Мактубида соғликни сақлаш соҳаси бўйича қатор топшириқлар берди. Жорий йил охиригача мажбурий тиббий суғурта тизимини рақамлаштириш, кейинги йил охирига қадар эса Ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш режалаштирилган, – деди у.

Бош вазир ўринбосари Қазиғурт тумани, Махамбет Ўтемисов қишлоғидаги тиббиёт муассасаси фаолияти билан танишиб, беморлар билан суҳбатлашди.

– Юртимизда соғликни сақлаш тизимида олиб борилаётганислоҳотларни изчил давом эттириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш борасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш баробарида, аҳолининг тиббий хизматдан мамнун бўлишида муҳим омил бўлмоқда. Президент Мактубида белгиланган вазифалар замирида ҳам эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларни янги босқичда давом эттириш мақсади мужассам. Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, "Қишлоқ соғликни сақлаш тизимини замонавийлаштириш" миллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Туркистон вилоятида 49та бирламчи тиббиёт муассасаси қурилиши режалаштирилган, – деди у.

Хизмат сафари доирасида Бош вазир ўринбосари раислигида вилоятда соғликни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтди. Унда тегишли вазирлик, Мажбурий тиббий суғурта жамғармаси вакиллари, вилоятдаги тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Мактубида қишлоқ аҳолиси даромадини оширишга қаратилган "Қишлоқ омонати" дастурига ижобий баҳо берди.

Тамара Дуйсенова қишлоқ ҳокимлари билан ўтган йиғилишда қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш чора-тадбирларини муҳокама қилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

# БИЗ ҲАЁТНИ ТАНЛАЙМИЗ!




**Туркистон шаҳрида «Гиёҳвандликка йўл йўқ, биз ҳаётни танлаймиз!» мавзуида анжуман ўтди. Тадбир вилоят прокуратураси ва вилоят Полиция департаменти ташаббуси, вилоят ҳокимлигининг кўллаб-қувватлаши билан уюштирилди.**

Унда ҚР Ички ишлар вазири ўринбосари Айдар Сайтбеков, вилоят ҳокими Дархан Сатибалди, вилоят прокурори Мурат Тлеубердиев, Полиция департаменти раҳбари Мурат Қабденов, давлат идоралари раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда маърузачилар суҳбатлар уюштириб, ҳаёт тажрибалари билан ўртоқлашишди. Соғлом турмуш тарзига амал қилишга, салбий иллатлардан воз кечишга чақиришди. Маърузачилар орасида ҚР ИИВ Гиёҳвандлик жиноятига қарши иш-ҳаракат департаменти раҳбарининг ўринбосари Бақитжан Амирханов, ҚР Парламенти депутати Ардақ Назаров, ҚР руҳшунос-нарколог Наби Есимов, жамоат фидойиси Ўразкул Асанғазининг маърузалари катта таассурот қолдирди. Актёр Адил Ахметов ва хонанда Қуандиқ Рахим ўз санъатини намойиш этишди.

Тадбир сўнггида «Гиёҳвандликка йўл йўқ, биз ҳаётни танлаймиз!» шиори остида ҳамкорликда иш юритишга келишиб олинди.

Президент Мактуби – амал дастури

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ФАРОВОН ҲАЁТ АСОСИ



**Давлатимиз раҳбари Қ. Тўқаев жорий йилги «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий некбинлик” номли Мактубида жамиятни янада тараққий эттириш борасидаги вазифаларни белгилаб, юксак мақсадларга эришиш учун қонун устуворлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.**

“Халқ овозини тинглайдиган давлат” дастурини илгари сурганимга беш йилдан ошди. Шу давр мобайнида биз жамият ва давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатлар маданиятини ўзгартира олдик. Қатор самарали алоқа дастаклари ва турли мулоқот дастурлари юзага келди. Давлат хизматчиларининг фуқаролар билан бевосита мулоқоти одатий ҳолга айланди. Ушбу дастур давлат хизматчиларининг хулқ-атворини шакллантирди. Улар масъулият билан фаол, шаффоф ва самарали ишлай бошладилар. Бироқ, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқот сифатини янада яхшилаш учун барчамиз ҳалол ва адолатли бўлишимиз, фақат қонун доирасида иш юритишимиз, берган ваъдамиз ва қилган ишимизга масъул бўлмоғимиз керак”, деди у.

Мактубда аҳолининг эҳтиёж ва талабларини аниқ билиш, давлат идораларининг фаолиятини яхшилашга эътибор қаратилиб, жумладан, ҳокимликлар бевосита сайлаш тизимини жорий этилиши маълум қилинди. Шунингдек, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ тизимида ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқларда фуқаролар даромадини ошириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Келгусида Сайрам туман маслаҳати депутатлари Мактубда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиб, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, сайловчиларнинг талаб ва таклифларининг ижросини таъминлашга ҳаракат қиладилар.

**Шамхат ХОЛМУРОДОВ,
Сайрам туман маслаҳати раиси.**

# БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ



**Президентимиз Қ. Тўқаевнинг бу йилги халққа йўллаган “Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий некбинлик” номли Мактубида тадбиркорларга алоҳида мурожаат қилинди.**

Улар турли давлат имтиёзларидан фойдаланади, демак, ўз навбатида, давлатга ҳам, аҳолига ҳам ёрдам қўлини чўзишлари, турли хайрия тадбирларида фаол иштирок этишлари зарурлиги таъкидланди. Жумладан, бу ҳақда Мактубда шундай дейилади:

– Улар мамлакатимизнинг фуқароси сифатида мактаб, касалхоналар, ўйингоҳлар, музей ҳамда ижтимоий-маданий иншоотлар қуришга улкан маблағ ажратишга мажбур. Бундай тадбиркорларнинг номлари саховатли инсонларнинг “олтин рўйхати”да қолиши мумкин. Бундан бош тортган ёки пайсалга солган тадбиркорлар билан бошқача гаплашамиз.

Бундай нуқтаи назар бизнес вакилларини Қозоғистон иқтисодиётига кўпроқ сармоя ажратишлари учун асос бўла олади.

**Достон АНОРТОЕВ,
Сайрам туман маслаҳати депутати.**

Қозоғистон Маслаҳатларига – 30 йил!

# “МАСЛАҲАТГА – 30 ЙИЛ” – ВИЛОЯТ РАССОМЛАР ТАНЛОВИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**Туркистон вилояти маслаҳатининг ташаббуси билан “Маслаҳатга – 30 йил” мавзуидаги касбий ва нокасбий рассомлар ўртасида вилоят танлови ўтди. Танловга 40га яқин иштирокчидан аризалар тушди. Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев, шунингдек, маслаҳат депутатлари А. Салимов, Ғ. Райимбеков, Б. Шўйбеков, Т. Садуов, Б. Сулейменов ҳамда Е. Хандиллаев иштирок этди.**






– Рассомларнинг тасвирий санъат асарида ўзгача маъно мужассам. Ватанга муҳаббат, Буюк Даштнинг миллий қадриятлари, маънавий пойтахтимиз Туркистоннинг янги қиёфаси, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналар, умуман, барчаси ўз аксини топган. Ушбу танлов барча иштирокчилар, шу жумладан, ёш истеъдодларга рағбат бағишлайди, деб ўйлайман. Барчангизга муваффақиятлар тилайман, – деди Нурали Алмаханули.

Ғолиблар ҳамда танлов иштирокчиларига пул сертификатлари, фахрий ёрлиқлар ҳамда турли номинация бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди. Танлов натижасига кўра: 1-ўринни Қазиғурт туманидан Қ. Кўсуақов кўлга киритди. Совринли 2-ўрин эса туркистонлик мусаввир Е. Райимбеков, қазиғуртлик рассом Қадирбек Кўркемай 3-ўрин соҳиби бўлди.

Шу билан бирга, Расул Қайратули “Энг ёш рассом” номинациясида тақдирланса, “Мазмунли мавзу” номинацияси Бўранбай Нурайға насиб этди. Иштирокчиларнинг барчасига фахрий ёрлиқлар топширилди. Хусусан, жорий йил Қозоғистон Маслаҳатларига – 30 йил тўлиши муносабати билан вилоят маслаҳатининг ҳамда Нурали Алмаханулининг ташаббуси билан бир неча спорт, маданий тадбирлар ўтиб, атрофлича тарғиб қилинмоқда.

**Вилоят маслаҳати матбуот хизмати.**

# БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИ: СЎЗОҚЛИК МУАЛЛИМНИНГ НОМИ “КИНЭС” РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРДИ



**Астана шаҳрида ўтган V Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларида маҳаллий 450 нафар ҳунармандларимиз рекорд ўрнатди. Улар “Гауҳартас”, “Сынық мүйіз” ҳамда “Аламан” қуроқ ҳунарлари бўйича 11200 квадрат метр кўрпача қураб, тикиб, “Кинэс” – Қозоғистон рекордлар китобига киритилди.**

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган ҳунармандлар қаторида Сўзоқ тумани, Шўқан Уалиханов номли умумтаълим мактабининг меҳнат фани ўқитувчиси Ақбилек Байтемирқизи ҳам бор (тасвирда).

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**

# ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН ОАВЛАРИДА

**Ҳафта давомида жаҳоннинг ахборот тарқатувчи интернет нашрлари Қозоғистондаги сиёсий воқеаларга алоҳида эътибор қаратди. Шу жумладан, Қозоғистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар, давлат бюджети тақчиллигини бартараф этиш чоралари, полиэтилен заводининг ялпи ички маҳсулотга таъсири қизғин муҳокама қилинмоқда. Булар ҳақида батафсил қуйидаги шарҳимизда ўқинг.**

### DARYO: ҚОЗОҒИСТОН БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИНИ ҚАНДАЙ ЕНГАДИ?

Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазири Нурлан Байбазаров ушбу мавзудаги фикрларини Daryo нашри чоп этди. “Жорий йилнинг саккиз ойида Давлат бюджети даромадлари бўйича белгиланган кўрсаткич 94 фоизга бажарилди. Бироқ ижобий натижага қарамай, республика бюджети даромадлари қисқарди. Бу Ҳукуматдан камомадни қоплаш учун қўшимча ечимларни излашни талаб қилди”, деди у.

Вазирнинг айтишича, бюджет тақчиллигини бартараф этишнинг энг тезкор йўли солиқ тизимини мустаҳкамлашдир. Унинг сўзларига кўра, бу қадам қарийб 900 миллиард тенге қўшимча даромад келтиради ва бюджетдаги бўшлиқни тўлдиришга йўналтирилади.

### TREND: ПОЛИЭТИЛЕН ЗАВОДИ ҚОЗОҒИСТОНДА ИЯМ ҲАЖМИНИ ОШИРАДИ

Атиров вилоятида йилига 1 миллион 250 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш қувватига эга янги корхона қурилиши бошланди. Бунга 7,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб этилди. Янги завод қурилиши Қозоғистон ички ялпи маҳсулотини 1,2 фоизга оширади. Завод Қозоғистоннинг ишлаб чиқариш саноатидаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Қурилиш босқичида 8 минг, фойдаланишга топширилгандан кейин эса 800 нафар доимий иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Иншоот 2029 йилгача ишга туширилади. Заводнинг фаолияти полиэтилен импортини маҳаллий маҳсулотлар билан алмаштириш, шунингдек, товар экспортини ошириш имконини беради.

### ANADOLU: ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЖСТГА РАИСЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртилеу Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Ўмуралиевни қабул қилди.

Учрашувда томонлар «TURKTIME!» шиори остида ўтаётган Қозоғистоннинг Ташкилотдаги раислигининг дастлабки якунларини муҳокама қилди.

Учрашувда Қирғизистонда ўтадиган навбатдаги саммитга тайёргарлик жараёни ҳам муҳокама қилинди. Вазир Қозоғистон Ташкилотни яратиш ташаббускори сифатида турк интеграциясини янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишини таъкидлади. Бундан ташқари, у Қозоғистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти раислиги туркий мамлакатлар фаровонлигини, тараққиётнинг янги йўналишлари ва қардошлик алоқаларини таъминлаш, минтақада барқарорликни таъминлашга қаратилганига эътибор қаратди.

Президент Мактуби – амал дастури

# КЕЛАЖАК УЧУН БУНЁДКОРЛИК ҲУЖЖАТИ

**ҚР Президентининг жорий йилги "Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий некбинлик" номли Мактубида қўйилган залворли вазифалар Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоллари йиғилишида ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.**

Фаоллардан – Тўлқин Саидмуродов, Тамара Анорбоева, Муҳаббат Иброҳимова, Тойир Абдувалиев, Ўғилжон Холиқбердиева, Ҳусан Убайдуллаев, Ҳусан Маҳкамбоевлар "Жанубий Қозоғистон" газетасида чоп этилган Мактуб матнида Давлат раҳбари томонидан кўплаб ҳаётий масалаларнинг ижобий ечими хусусидаги топшириқлари пировардида ҳар бир қозоғистонлик учун муҳим эканлигини таъкидладилар. Масалан, 6 октябрга белгиланган умумхалқ референдумида тобора тақчил бўлиб бораётган электр энергиясини ишлаб чиқарувчи манбаларни янгилашни атом электр станциялари барпо этиш орқали ижобий ҳал қилишни қўллаб-қувватлашда ҳар бир ҳамюртимиз фаол иштирок этмоғи лозим. Мактубдаги залворли вазифалар тўлиқ амалга ошиши учун элимиз бирлиги, фуқаролар ҳамжиҳатлиги зарур.



## ТИЛИМИЗ, МАДАНИЯТИМИЗ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ ШОДИЁНАСИ

**Тинчлик, тотувлик, ҳамкорликни мақсад тутган Қозоғистон халқи Ассамблеясининг фаолияти доирасида 28 сентябрь, шанба куни Ҳазрат Яссавий мақбараси олдидаги "Этноовул" мажмуасида ўтадиган ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақида фикр алмашилди.**

Нурмуҳаммад Йўлдошев раҳбарлигида ўзбек халқ фольклор чолғу асбоблари дастаси ижросида куй, қўшиқ, шунингдек, байрам дастурхони учун сумалак, ҳалим таомларини тайёрлаш, анъанавий палов танлови, ўтовларни безаш, меҳмонларни кутиб олиш ва яна кўплаб вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Ушбу умумхалқ тадбирида барчамиз фаол иштирок этмоғимиз лозим.

**Райимжон ҚЎЧҚОРОВ,
Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, шаҳарнинг фахрий фуқароси.**

**Тасвирда:** тадбир иштирокчилари.

Янги Қозоғистон бунёдкорлари

# *Ибратли зиёлилар сулоласи*



**Мақоламиз қаҳрамони – мустақил Қозоғистоннинг муносиб фуқароларини тарбиялаган Қулаҳмедовлар сулоласининг давомчиси Ҳасаниддин Қулаҳмедовдир.**




Саврон тумани, Така қишлоғида эл эътиборини қозонган устоз "Халқ маорифи аълочиси" Нуриддин ота ва Моҳира ая оиласида 1965 йил 24 августда дунёга келди. Абдулла Усенов номли мактабни муваффақиятли тамомлаб, Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтига ўқишга кирди.

Математика факультетини тамомлагач, меҳнат фаолиятини 1986 йили қадрдон мактабида бошлади. 38 йилдирки, ўқитувчилик фаолиятини узлуксиз давом эттирмоқда. Изланувчан муаллимнинг самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Хусусан, туман, вилоят миқёсидаги фан олимпиадалари, фестиваль ва педагогик ўқувларда ҳар доим мақтов қоғозлари, ҚР Маориф вазирлигининг ташаккурномалари билан мукофотланган. Шунингдек, фидойи меҳнатлари учун "ҚР таълим соҳасининг илғори" кўкрак нишони билан тақдирланган.

1989 йили Умсиной Қулаҳмедова билан оила қуришди. У рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Қорачиқ қишлоғидаги "Победа" ўрта мактабидан сўнг, Тошкент шаҳридаги республика рус тили ва адабиёти институтини тамомлагач, икки йил Ўзбекистонда ишлади. Ҳозир турмуш ўртоғи билан Абдулла Усенов номли мактабда ўқитувчилик фаолиятини давом эттирмоқда. Улар жамиятимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган фарзандлари ва шогирдлари билан ҳақли равишда фахрланади. Изланувчан устоз, меҳрибон она "Таълим соҳасининг илғори" медали билан мукофотланган.

Ҳасаниддин ва Умсиной Қулаҳмедовлар икки қиз ва икки ўғилнинг меҳрибон ота-онаси, саккиз неваранинг севимли буваси ва бувижонлари. Ота-онанинг фарзандлар таълим-тарбиясига жиддий эътиборлари туфайли ўғил-қизлари меҳр-оқибатли, билимли, қобил инсонлар сифатида улғайишган. Тўнғич фарзанд Дилором Туркистон шаҳридаги педагогика коллежини сўнг, Халқаро Қозоқ-Турк Университетининг қозоқ тили ва адабиёти факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Сўнг Шимкент педагогика университетининг инглиз ва ўзбек тили факультетини ҳам битириб, инглиз тили ўқитувчиси сифатида самарали меҳнат қилмоқда. Умр йўлдоши тадбиркор Фарҳод Олимов билан қобил фарзандлар – Шодиёна, Акбар, Муҳаммадларни тарбиялашмоқда.

Шаҳноза Ҳасаниддин қизи ХҚТУнинг тиббиёт факультетини тамомлагач, резидентурасини ўқиб, Алмати шаҳридаги ревматология марказида малакасини оширди. Туркистон шаҳридаги вилоят клиникасида ревматология бўлими мудираси, иқтидорли ревматолог. Умр йўлдоши Дилшод Исроилов ХҚТУ клиникасида таниқли жарроҳ-ортопед, бўлим мудири. Шаҳноза ва Дилшод Исроиловлар Туркиянинг Анқара шаҳридаги университетда ҳам таҳсил олишди. Улар уч фарзанд – Бунёд, Хурсанд, Мунисаларнинг ота-онаси.

Тўнғич ўғил Аҳлиддин А. Усенов номли мактабни "Олтин медаль"га тамомлаб, Астана шаҳридаги Л. Гумилёв номидаги Евросиё миллий университетининг инглиз ва хитой тиллари факультетида таҳсил олган, сўнг ХҚТУда магистратурада ўқиб, магистрлик илмий даражасини ҳам эгаллади. Бугунги кунда А. Усенов номли мактабда ўқитувчи. Умр йўлдоши Ҳилола Бирлик қишлоғидаги Э. Иззатуллаев номидаги мактабни "Олтин медал" билан тамомлаб, Алмати шаҳридаги халқаро муносабатлар ва жаҳон тиллари университетининг инглиз ва хитой тиллари факультетини қизил диплом билан тамомлади. Жанубий Корея давлатидаги университетда малака оширди. Зиёли оилада Диёрбек ва Гавҳар исмли фарзандларни тарбиялашмоқда.

Оиланинг кенжа фарзанди Ҳусниддин ҳам мактабни "Олтин медаль" билан тамомлади, ХҚТУ стоматология факультетининг 4-босқич талабаси. Опа-акалари каби Ҳусниддин ҳам ўзи танлаган касбни етук ўзлаштириб, элга эъзозли, таниқли шифокор бўлиш орзусида.

Намунали, ўзбекона урф-одатларимизни сақлаган, миллий қадриятларимизни эъзозлаган, қадрдон нашримиз "Жанубий Қозоғистон" газетасининг фаол обуначиси, маърифатпарвар зиёли оила билан мулоқотда бўлиб, қалбимизни беихтиёр ҳурмат-эҳтиром ва фахр туйғуси чулғади.

**Тўлқинжон ЖИЯНБОЕВ,
А. Усенов номли мактабнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

**Тасвирда:** Ҳасаниддин ва Умсиной Қулаҳмедовлар; аҳил оила даврасида.

Спорт

# «ҚОРАБУЛОҚ» МАКТАБИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҒОЛИБ!



**Соҳил волейболи – жуда қизиқарли спорт тури. Унда – ҳар жамоадан икки нафардан ўйинчи иштирок этади. Улар тўпни қўл билан уриб, рақиб майдонига тушириш ва унинг қайтишига тўсқинлик қилиш орқали ғалабага эришишдир.**

Спортнинг бу тури нафақат пухта жисмоний тайёргарлик, балки чаққонлик, эпчиллик каби қобилиятларни ҳам талаб қилади.

2012-2013 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ҚР кубоги учун соҳил волейболидан ўтказилган беллашувларда Мурoджон Абдуллаев раҳбарлик қилаётган 10-сонли «Қорабулоқ» умумий ўрта мактаби ўқувчилари муваффақиятли иштирок этишди. Спортга ошно ўқувчи Жамшидбой Раҳмонқулов 1-ўринни эгаллади.

2006-2007 йилларда туғилган йигитлар ўртасидаги шиддатли беллашувлардан сўнг 2-ўринни ҳам шу мактабнинг ўқувчилари Диёрбек Носирхонов ва Жасур Холматовлар қўлга киритишди.

Соҳил волейболига пухта тайёргарликни таъминлаган Сайрам туманининг катта мураббийи Қобилжон Эгамбердиев, жисмоний тарбия муаллимлари Зокиржон Ҳамроқулов, Элёр Ҳамроқулов, шунингдек, моҳир мураббийлар – Шерзод Ғуломов ҳамда Шерали Норбўтаевларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

**Ойбек АНОРТОЕВ.**
Сайрам тумани.

**Тасвирларда:** соҳил волейболи иштирокчилари – ғалаба нашидасини ҳис қилишмоқда.




Яхшилардан сўз очдик

# ЭЛ ИЧИДА ТАБАРРУК ИНСОН



**Асирали Усмонов Ленгер туманининг Тоғойна қишлоғида дунёга келган. 25 йилдан зиёд умрини ички ишлар соҳасига бағишлаган. Кўп йиллар қишлоқ оқсоқоли,бийи вазифаларини жамоатчилик асосида бажариб, эл эътиборини қозонди.**

Сўзлари ҳикмат, юзларидан нур ёғилиб турган содда ва самимий отахон билан суҳбатлашиб, ҳаётнинг оддий ҳақиқатлари – ҳалол меҳнат, бағрикенглик ва шукроналик инсонни муродга, эъзозу эҳтиромга етказишини англагандай бўласиз.

– Яратганнинг марҳамати, қолаверса, ҳалол меҳнат, кўнгил хотиржамлиги, бағрикенглик, одамларга яхшилик қилиш инсон умрини узун ва зийнатли қилади. Мен ўтаётган умримга шукур қиламан. Шунча йил яшадим, ризқ-насибам кам бўлмади. Фарзандларим кунимга яраяпти, невара-чевараларим атрофимда парвона, давлатимиз мен каби кексаларга ҳурмат, эъзоз кўрсатмоқда. Бундан ортиқ бахт йўқ.

**– Тоғойна қишлоғи сўнгги йилларда таниб бўлмас даражада ўзгариб, обод гўшага айланди. Йўллар қурилиб, яқинда янги мактаб фойдаланишга топширилди...**

– Дарҳақиқат, юртимизда кенг қамровли ислоҳотлар давом этмоқда ва қишлоғимизда ҳам унутилмас воқеалар, бунёдкорликлар, янгиланишлар юз бермоқда. Булар ҳар бир юртдошим каби, менинг ҳам қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Ҳа, биз улкан муваффақиятларга Президентимизнинг оқилона сиёсатини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётганимиз туфайли эришмоқдамиз.

**– Қишлоқда маънавият юксалаётгани ҳақида газетада қатор мақолалар чоп этилмоқда. Обуначилар сафи кенгаймоқда. Фаол жамоатчи сифатида бунда сизнинг ҳам салмоқли ҳиссангиз бор. «Жанубий Қозоғистон» газетасининг муштарийларига тилакларингизни билдирсангиз.**

– Тилак эмас, мурожаатим, даъватимни баён этсам. Улар шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилайлик.

**– Ёшлик даврингизга қайтсак...**

– Ёшлигимизда қишлоқда бирон бир ишсиз одам бўлганини эслай олмайман. Давлат хўжалиги, Шимкент шаҳридаги «Фосфор» заводида ишлайдиганлардан ташқари ҳунармандлар ҳам кўп эди. Улар – урушдан ногирон бўлиб қайтган ҳамқишлоқларим бекорчи ўтирмай, кетмон, болта, белкурак, ўроқ ва бошқа турли қишлоқ хўжалигида зарур анжомларни ясаб сотишарди. Мактаб давримизда Совет Иттифоқининг барча шаҳарларига саёҳат уюштириларди. Китобга қизиқишимиз кучли эди. Юқори синфлардаёқ вилоятимизда ўзбек тилида газета чиқишини орзу қилардик.

Меҳнатда, ҳалол-покликда, камтарликда ўтказган ҳаёти Асирали Усмоновни эл ичида табаррук қилди.

**А. АБДУФАТТОҲ.**
Тўлебий тумани.

## ТУЗАТИШ

**Газетанинг 2024 йил 14 сентябрь сони, 3-бетидаги рукни "21 сентябрь – "Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари куни", деб тузатиб ўқилсин...**

Дил изҳори

# РАҲМАТ СИЗГА, ЭЛСИНУР!

*Ёшим 82да, йигирма йилдан зиёдроқ вақт бўлди, йил сайин бир неча бор асаб хасталикларидан даволаниб, саломатлигимни тиклайман.*

*Неврология бўлимида даволанаман. Биз каби ёши улуғ беморларга ғамхўрлиги, эътибори учун “оқ либосли” халоскорларимга таъзим қиламан.*

*Элсинур Шермамедов Сайрам туман “Оқсувкент” касалхонасининг неврология-асаб хасталиклари бўлимида фаолият юритаётган ёш бўлса ҳам иқтидорли мутахассис сифатида беморлар билан яхши муносабатда бўлиш баробарида самарали усуллардан фойдаланмоқда. Ёш шифокорнинг юксак билими ва муомаласи беморларга ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Даволаниб чиққач, ўзимни жуда яхши ҳис этмоқдаман. Тетик ва бардамман, ҳаётга муносабатим тубдан ўзгарди. Офарин!*

*Биз, қарияларнинг умр ёшимиз баракали бўлишига ҳисса қўшаётган ёш ва иқтидорли шифокор Элсинур Нурмамад ўғлига катта раҳмат!*

*Қўл-кўзи дард кўрмасин!*

**Озодбек РАҲМОНҚУЛОВ, нафақадор.**
Қорабулоқ қишлоғи.

# БИР ТОННА БЎҒИРСОҚ УЛАШИЛДИ



**Туркистон шаҳрида “Санъатсевар ўлка” вилоят санъат фестивали доирасида Кентов шаҳрининг маданият кунлари ўтди.**

“Этноовул” мажмуасида унутилаёзган миллий таомлар кўргазмаси ташкил қилинди. “Қаратау тәжі” миллий асбоблар дастаси ижросида концерт дастури намойиш этилди. Ҳунарманд усталарнинг миллий нақшдаги кўргазмаси ҳамда маҳорат сабоқлари кўпчиликни мамнун этса, “Қоратов жавоҳирлари” мавзуидаги ўлка тарихига доир кўргазма ва фотоҳудуд меҳмонлар эътиборига ҳавола этилди.

Туркистоннинг тўрида очиқ осмон остида оммага маданий тадбирни ҳавола қилган кентовликлар “БауырсақFest” доирасида меҳмонларга бир тонна бўғирсоқ улашишди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

Таҳририятимиз меҳмони

# Аниқ мақсад – муваффақият калити

**Мирзаҳмедовлар оиласи Шимкент шаҳрида ўтган «Намунали оила» республика кўрик-танлови ғолиби бўлди. Енбекши тумани учун ҳақиқий фахр тимсолига айланган мазкур хонадон 200га яқин (183) иштирокчи орасидан энг намуналиси сифатида танлаб олинди. Бу хонадонда оилавий қадриятлар мустаҳкам ва касбга садоқат ҳисси мужассам. Биринчи ўринни муносиб қўлга киритган оила раҳбари Баҳодир МИРЗАҲМЕДОВ бугун таҳририятимиз меҳмони.**




**– Баҳодир Тўламат ўғли, республика танловига йўлланма муборак! Сиз нафақат Шимкент шаҳри, балки бутун Қозоғистон ўзбеклари учун фахрга айландингиз. Муштарийларимиз эса Сизни ва оилангизни яқиндан танишни истайди...**

– Бажонидил. Мен тарихий ва муборак замин – Сайрам туманида туғилиб ўсганман. 1966 йилда Турдиобод қишлоғидаги оддий деҳқон Тўламат ота ва Нури аяларнинг тўнғич фарзанди сифатида дунёга келдим, беш сингилнинг акасиман. Муқимий номли 21-сонли мактабда 8-синфни тамомлагач, ҳозирги Есеке Юсупов номидаги мактабда ўқидим. Ва умр бўйи оиламиз билан мана шу даргоҳларни азиз тутиб келмоқдамиз. Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги ТДПИнинг «Индустрия-педагогика» факультетини тамомлаб, 1988 йилдан Муқимий номли мактабда меҳнат ва физика фани ўқитувчиси, илмий мудир, директор сифатида фаолият юритдим. 2015 йилда қишлоғимиз Шимкент шаҳри тасарруфига ўтгач, мактаб тартиб рақами ҳам ўзгарди, мен эса 2021 йили саломатлигим боис директорликдан ўқитувчиликка ўтдим. Қолаверса, икки йилдан буён Енбекши туман ўзбек этномаданият бирлашмасини бошқариб келяпман. Зиё ва маърифатни қадрлаганимиз боис оила аъзоларим ҳам 104-сонли Е. Юсупов номидаги мактабда анъанани давом эттириб, фидойилик ва таълим-тарбияга муҳаббат ҳисси билан умргузаронлик қилмоқдалар.

**– Оила аъзоларингиз ҳақида гапириб берсангиз, намунали оиланинг ўзига хослиги нимадан иборат?**

– Турмуш ўртоғим Мухтабар билан 1988 йилда оила қурганмиз. У ТошДУнинг филология факультетини тамомлаган, Е. Юсупов номли мактабда ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси. Салкам 40 йилга яқин фидойи ва намунали ўқитувчи бўлгани боис, уни ҳам жамоаси танловда иштирок этишга даъват қилди. Дарвоқе, келиним Ирода, қизим Фотима ҳам шу мактабда устоз-мураббий вазифасини адо этишмоқда. Бизнинг изимиздан боришмоқда. Хуллас, 104, 105-сонли мактабларнинг ҳокимликка берган тавсияси билан беихтиёр танлов иштирокчиларига айланиб қолдик. 4 июнда ариза ва ҳужжатларни топширдик.

**– Фарзандларингиз...**

– Дарвоқе, ҳар бир ота-она учун фарзандларининг камоли энг муносиб туҳфа, ифтихор. Тўнғич ўғлим Аброр олий маълумотли тадбиркор, Алмати шаҳрида енгил саноат соҳасида ўқиган, беш тилда (ўзбек, қозоқ, рус, инглиз, турк) гаплаша олади, шунинг учун бизнесни танлади. Келиним Ирода билан икки ўғилни тарбиялашмоқда. Иккинчи ўғлим Биродар Асфандиёров номли тиббиёт университетини тамомлаб, Алматидаги 4-шаҳар касалхонасида жарроҳ-травматолог, таниқли мутахассис. Келиним Венера Шимкент шаҳридаги Доришунослик академиясини тамомлаган, уларнинг уч фарзанди бор, Алматида истиқомат қилишади. Юқорида айтганимдек, қизим Фотима бошланғич таълим ўқитувчиси, куёвим Илёсхон «Тассай су» корхонасида технолог, жажжи ўғилчаларни катта қилишмоқда. Фарзандларимнинг ҳаммаси грант соҳиблари. Оиламиз ютуқлари – илм-фан, таълим-тарбияни қадрлаймиз, оилани муқаддас биламиз. Ўзим учун мактаб ва жамоатчилик иши – жону дилим.

**– Мактабда директор бўлиб ишлаган пайтингизда ёдда қоларли қайси ишларингизни айта оласиз?**

– 38 йиллик фаолиятимнинг 16 йили раҳбарлик давримга тўғри келди. 2005 йилда мактаб директори бўлиб тайинланганимда, энг асосий мақсадим – ўтган асрнинг 60-йилларида ҳашар йўли билан қурилган эски ва ҳалокатли мактаб биносини янгилаш ва ўқувчилар билимини кучайтириб, энг илғор ўқув даргоҳига айлантириш эди. Аниқ мақсад – муваффақият калити. Мақсад сари елиб-югурдим ва 2010 йилда дастлабки икки қаватли иморат, 2015 йилда эса 300 ўринли янги замонавий бино қурилди, хуллас, 2020 йилда эски мактабдан ном-нишон қолмади. Ўқувчилар таълим-тарбияси ҳам яхшиланиб, грантлар сони ортди, бугунги кунда аълочиларимиз асосан тиббиёт ва қурилиш соҳаларида самарали фаолият юритмоқдалар.

**– Енбекши туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси сифатидаги фаолиятингизга ҳам тўхталсангиз...**




– Туркияда кучли зилзила содир бўлган пайтда мен ЎЭМБ раиси бўлиб сайландим ва дастлабки фаолиятимни шу давлатга хайрия тадбирини уюштиришдан бошладим. Кейин 8 март – Халқаро хотин-қизлар айёми келиб қолди. Маълумки, Тўлебий туманидаги Илонбузган қишлоғининг ярми Шимкент шаҳрининг Енбекши тумани таркибига кирган. Ўша қишлоқ тўбебийи Олимжон Дўсметов, ёрдамчим Қодиржон Пирназаровлар кўмагида 500 хотин-қизга «Париж» тўйхонасида ажойиб тадбир ўтказдик. Наврўзда эса Бодом-1 мавзесида Бодом, Турдиобод аҳолиси учун 5000 кишилик байрам ташкиллаштирдик. Худди шундай тадбирни Султонработ ва Илонбузган қишлоқларида ҳам уюштирдик.

1 июнь куни жажжи болажонлар ва мактаб ўқувчилари учун (кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига) кийим-кечак ва ўқув қуроллари олиб бердик. Пахтакор, Абдуллаобод, Бозорқопқа аҳоли манзилларида ҳам хайрия тадбирларимиз давом этди. Август ойининг охирида эса «Мактабга йўл» тадбирида фаоллик кўрсатдик. Анъанавий «Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари» байрамида Енбекши туманидан 8та мактабнинг намунали иштирокини таъминладик, «Шум бола» образи меҳмонларда кучли таассурот қолдирди. «Палов фестивали»да эса илк бор шаҳардаги 4та туман Сайрам даҳасидаги истироҳат боғида ўз ошпазлари билан иштирок этди. 43та қозонда палов тайёрланди, Ўзбекистон ва Тожикистондан машҳур ошпазлар келгани боис у халқаро миқёсда ўтди. Жамоамиз фаоллик кўрсатди. Бу йил кўкламги сув тошқини босган ҳудудларга ҳомийлар ёрдамида хайрия ёрдами жўнатдик. Жамоатчилик иши, барибир, ажойиб-да. Масалан, Тошкентда Амир Темур таваллудига бағишланган тадбирда, Абубакир Хонхўжаев (Соҳибқирон образи) билан телекўрсатувда иштирок этдик, ОАВга мусоҳабалар бердик, машҳур санъаткорлар билан жонли мулоқотда бўлдик. Хуллас, қандай тадбир ўтказмайлик, ким билан учрашмайлик, барчасини астойдил, юксак савияда ўтказишга ҳаракат қилмоқдамиз. Жумладан, 21 сентябрга ҳам тайёргарлик қизғин. Туманимиздаги «Туркистон» мактаби (Ўзбек таомлари ва нонлари), 104-сонли мактаб (Ота-она ҳурмати – давримиз зийнати), 101-сонли мактаб (Бирлиги ярашган элмиз) кўргазмалари билан иштирок этади. 10-сонли коллеж эса ёғоч ўймакорлик санъатини таништиради, таниқли Азамат уста мусиқий чолғу асбобларини намойиш этади.

**– Ҳам мактаб, ҳам жамоатчилик иши, ҳам оила ташвиши, барчасига қандай улгуряпсиз, сизга куч ва мадад қаердан келади?**

– Бирорта фойдали тадбир ўтказсам, одамларга, эл-юртга манфаатим тегса, бундан завқ оламан. Айниқса, тўлебийликлар билан ишлаш мароқли. «Илонбузган» мактабида 7 миллат вакиллари ўқийди, ниҳоятда аҳил. Уларга қараб, ҳавасим келади. Мана шундай жойлардан завқ-шавқ, куч-қувват оламан-да. Танлов ғолиби бўлганимда ҳам тўлебийликлар чин дилдан табриклашди. Айтмоқчиманки, муваффақиятга эришмоқчи бўлсак, ўзаро муомалаларда самимийлик ва бошқаларни ҳурмат қилишни ўрганишимиз керак. Шунда атрофимиздаги инсонларнинг ишончини қозонамиз. Ҳаётда муваффақиятли инсон ва яхши раҳбар бўлишнинг қисқа йўлларидан бири – ростгўйлик ва ҳалолликдир.

**– Айтганча, яна танловга қайтсак.**

– Танлов ҳақидаги хабарни қизим Фотима ва келиним Ирода эшитишгач, дарҳол «ишга» киришиб кетишди. Оилавий альбом ва видеолавҳа тайёрлашди, барча мукофотларни йиғишди, хуллас, оиламизнинг муносиб тақдимоти учун «муаллиф» бўлишди. Танлов уч босқичдан иборат эди. Биринчиси – оила билан танишув. 2-босқичда комиссия аъзолари уйимизга телевидение вакиллари билан келиб, махсус кўрсатув тайёрлашди. Фарзандларимиз ва набираларимиз билан учрашиб, уларнинг ютуқларини ўрганишди. 183та оила ичидан лойиқ деб топилиш учун тегишли далил-исботлар керак, албатта. Президентдан олган мукофотларим, орден-медалларим, кўп йиллик меҳнатимга берилган фахрий ёрлиқлар, турмуш ўртоғим ва болаларнинг халқаро даражадаги танловларда олган сертификат-дипломлари айни муддао бўлди. Айниқса, тадбиркор ўғлим Аброрнинг Хитой, Ўзбекистон, Туркия билан ҳамкорликда ишлаб, муваффақиятларга эришаётгани, диплом-сертификатлари, Алматидаги моҳир хирург Биродарнинг кўп сонли ташаккурномалари, беморларнинг миннатдорчилиги ижобий таъсир кўрсатди. Невараларимнинг ютуқлари ҳам инобатга олинди. Хуллас, комиссия ҳаммасини кўрди ва ўз баҳосини берди. Учинчи босқич, оиламиз 20та яхши оила каторига кирди. Сўнгра ғолибликни қўлга киритиб – «Намунали оила» бўлдик. Биз билан яна бир оила пойтахт танловига тавсия этилди. Ҳужжатларимизни пойтахтга йўллашди. Пойтахтдан ҳам телевидение вакиллари келишди, альбом, видеолавҳа тайёрланди, ҳозир республика комиссияси кўряпти, уларнинг қарорини кутяпмиз. Айтганча, мукофотларни Шимкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ерғали Даулетбекули топширди ва бу ғалаба нафақат муваффақиятли оила рамзи, балки бутун шаҳар учун илҳомлантирувчи омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.
.

**– Юртимизда ибратли оилалар кўпаяверсин, мусоҳаба учун катта раҳмат!**

**Н. МАВЛОНОВА.**

**Директор – Бош муҳаррир Раймжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
**Муроджон АБУБАКИРОВ.**
**Авазхон БЎРОНБОЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

*Туркистон, Саврон* – **Шомирза МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.
*Кентов, Сўзоқ* – **Рўзиохун МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.
*Қазиғурт* – **Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.
*Сайрам* – **Зокиржон МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
*Тулкибош* – **Мунира САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.
*Жетисай, Мақтарал* – **Мухтабар УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
*Келес, Сариоғоч* – **Малика ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

*● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.*
*● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.*

*Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олиниб, KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.*

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳкўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11200 нусха.

Буюртма: 2269.

Навбатчи муҳаррир: Хуршид ҚЎЧҚОРОВ.